

Мамлакатимизда бой тарихимиз, қадимий ёдгорлик ва қимматбахо топишларимиз, миллий қадрият ва аъналаримизни ўзида мужассам этган музейлар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, бундай мақсадлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек эзгуликларга йўналтирилган.

ёшларни уларга муҳаббат руҳида тарбиялаш сингари устувор вазибалар белгилаб берилган. Ҳозир ушбу вазибалар юзасидан кенг кўламли ишлар амалга ошириллаётир. Жумладан, ақсарият музейларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни баркамол авлод сифатида вояга етказишга қара-

Маънавият

маънавият фанлари бўйича ташкил этиллаётган очиқ дарслар айнан музейларда ўтказиллаётгани ўз самарасини бераётир. Ёшларимиз бу ерда ўзларнинг амалий билимларини ҳам мустаҳкамламоқда. Бу борада улар-

БУЮК ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли кўплаб тарихий-маданӣ обидаларимиз қайта тикланди ва улар музейларга айлантирилди, бир қатор қадимий шаҳарларимизда очиқ музейлар фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда бу масканлар ўзининг бетакрор меъморий безаклари, бебаҳо оссириятқалари, қимматли маълумотлари билан хорижликларни ҳам ўзига жалб этмоқда.

Умуман олганда, ҳозирги кунда юртимизда 90 га яқин давлат музейи, машҳур ёзувчи, шоир, рассом, олим ва санъат арбобларининг уй музейлари ҳамда 700 дан ортиқ ташкилот, корхона ва ўқув юртлари қошидаги жамоат музейлари самарали фаолият кўрсатиб келяпти. Мазкур муассасаларда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиллаётгани, айниқса, самарали бўлаётир. Жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи ва Қатагон қурбонлари хотираси музейларидан ўрин олган қизиқарли экспозициялар замонавий технологиялар ёрдамида янада бойитилди. Айни чоғда экспозициялардаги бир хиллик, одатий кўргазма ва экскурсиялардан воз кечилиб, унинг ўрнига янги услуб ҳамда йўналишларнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди.



Ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги Қонуни, мамлакатимиз Президентининг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжатларда халқимиз томонидан асрлар давомида бунёд этилган ушбу тарихий меросни тиклаш,

тилган маданӣ-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, олиё таълим муассасалари талабалари, коллеж, академик лицей ва мактаб ўқувчилари учун тарих, адабиёт,

га Ўзбекистон тарихи давлат музейи томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган "Энг фаол ташрифчи", "Энг фаол ўқитувчи" каби танловлар, айниқса, қўл келаяптир.

Музейшунослик соҳаси бўйича таҳсил олаётган талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш, музейларни замон талабига жавоб берадиган малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам доимо эътиборда. Айни чоғда музейлар қошида археология ва этнография йўналишлари бўйича илмий экспедициялар ташкил этилган бўлиб, уларга жалб қилинган олимлар Ватанимиз тарихининг янги саҳифаларини очиш, қадриятларимизни тиклаш йўлида астойдил изланмоқдалар. Бундай илмий тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилаётган янги топишлар музейлар экспозициясини бойитиш ва ушбу муассасаларнинг маданӣ ҳаётида тугган ўрнини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган аъна ва урф-одатлари, бетакрор ҳунармандчилиги ва маданӣятини ўрганиш, тарғиб қилишда музейларнинг ҳиссаси тобора ошиб бормоқда. Зеро, музей — тарих кўзгуси, унга теран нигоҳ солган ёшларимиз маънан етуқ инсонлар бўлиб вояга етишлари, шубҳасиз.

Т. БОЙНАЗАРОВ,
тарих фанлари номзоди.

... Жондор тумани "Хумин" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Хосакор кўрғонида яшовчи I гуруҳ ногирони Ҳасан Турдиевнинг ташвиши энгиллади. Унга ногиронлик аравачаси ҳада қилинди. Эндиликда Ҳасан ака атрофдагилар кўмагисиз ҳам кўчага чиқа олади, кўни-кўшнилари билан дийдорлашади, кўнгил чигили ёзилади.

МУРУВВАТДАН КЎНГИЛ МУНАВВАР

Саломатлигини йўқотгани боис ўзгалар мададига муҳтож ногиронлар давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга олинган. Қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари бундай кишилар ҳолидан доимо хабардор.

Ижтимоий ҳимоя

Масалан, вилоят тиббий-меҳнат экспертиза хизмати маълумотларига кўра, ўтган йилда протез-ортопедия маҳсулотига муҳтож бўлганларнинг 87,8 фоизини талаби қондирилди. Ногиронлик аравачасига эҳтиёж сезаётганларнинг 74,3 фоизи учун бу масала ҳал этилди. Шуниси муҳими, бу каби эзгу ишларда нодавлат-нотижорат ташкилотлари саховатининг саломати тобора ошмоқда. Қизил Яримой жамияти вилоят кенгаши олиб бораётган ишларни бунга мисол қилиб келтириши

мумкин. Вилоятда мазкур жамиятнинг 255 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

— Инсонпарварлик, кўнгилчилик, бирдамлик каби тамойилларга асосланган фаолиятимизда эҳтиёжманд, кўмакка муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш алоҳида ўрин тутadi, — дейди жамиятнинг вилоят кенгаши раиси В. Музаффаров. — Жамиятимиз "Меҳр-шафқат" хизмати қарамоғимиздаги 167 нафар эҳтиёжманд, шу жумладан, 66 нафар яққа-ёлғиз қарияга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатапти.

Шу каби фикрларни "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси, "Мадад" оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳамда бошқа нодавлат ташкилотлар мисолида ҳам айтиш мумкин.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ОБ-ҲАВО (3 март)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайдми. Туман тушади. Кечаси 10-15 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайдми. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.
Бухоро ҳамда Навой вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайдми, туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 7-12 даража илқ бўлади. Навой вилоятининг шимолий қисмида эса кечаси 10-15 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.	Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайдми. Туман тушади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илқ атрофида, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.
Анджон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайдми. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.	Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик кузатилмайдми. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 3-5 даража совуқ, кундузи 5-7 даража илқ бўлади.
«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.	

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 76742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибуят 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тажрибта келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдми. Реклама материаллари ушбу тақрирда жавобгар эмас.

Газета тақрирнинг компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тогаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орिनюв.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бурунов.
Мусахҳх — С. Исмолов.